

ХУФИЁНА ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Қурбонов Муҳиддин Абдуллаевич

*Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси хузуридаги Фискал институти
“Солиқлар ва солиққа тортиш” кафедраси доценти (PhD)*

Аннотация: Мазкур мақолада назорат органлари фаолиятини халқаро стандартлар асосида янада такомиллаштириш ҳамда давлат бошқарувида молиявий назоратнинг ўрни ва аҳамияти ёритилган. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолияти бўйича амалдаги ҳолат, фармон ва қарор лойиҳаларида назарда тутилган таклифлар ҳамда Россия Федерацияси Ҳисоб палатаси фаолияти бўйича 2018-2024 йилларда ривожланиш стратегияси ўрганиб чиқилган. Давлат молиявий назорати билан боғлиқ муаммолар келтирилган ва уларни бартараф этиш йўллари бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: аудит, бюджет, халқаро стандартлар, ички аудит, Россия Федерацияси, ички назорат, молиявий ҳисобот, молиявий назорат, тафтиш.

Аннотация: В данной статье описывается дальнейшее совершенствование деятельности контролируемых органов на основе международных стандартов, а также роль и значение финансового контроля при государственном управлении. Изучено текущее состояние деятельности Счетной палаты Республики Узбекистан, предложения, предусмотренные в проектах указов и постановлений, а также стратегия развития деятельности Счетной палаты Российской Федерации на 2018-2024 годы. Представлены проблемы, связанные с государственным финансовым контролем, и даны научно обоснованные предложения и рекомендации по путям их устранения.

Ключевые слова: аудит, бюджет, международные стандарты, внутренний аудит, Российская Федерация, внутренний контроль, финансовая отчетность, финансовый контроль, аудит.

Кириш

Иқтисодий амалиётда бюджет ташкилотларида назорат тизимини янада такомиллаштириш борасида амалий ишлар қилинмоқда. Жумладан, бюджет ташкилотларини ички аудит хизмати молиявий ҳисобот маълумотларининг ишончлилигини таъминлаш ва бюджет смета интизомини мустаҳкамлашда қўлланиладиган муҳим услубиятга айланмоқда. Маълумки, Давлат бюджети давлатнинг марказлаштирилган маблағлар жамғармаси бўлиб, у давлатнинг вазифаларини бажаришни молиялаштиришга йўналтирилади. Кейинги йилларда барча мамлакатларда давлат бюджетининг аҳамияти ошиб бормоқда. Бунда

бюджет маблағларидан самарали фойдаланишнинг аҳамияти ҳам ошиши табиий ҳолат сифатида кузатилади.¹

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 августдаги “Давлат молиявий назорат тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6300-сон Фармонида Давлат молиявий ресурсларини самарали бошқариш ҳамда бюджет маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш устидан давлат молиявий назорати тизимини такомиллаштириш бўйича вазифалар белгиланиб, мазкур вазифалар ижроси бўйича 2022 йил 1 январдан бошлаб Ҳисоб палатаси томонидан амалга ошириладиган назорат шакллари ва турларига қўшимча қуйидагилар амалиётга жорий этилади:

- бюджет ҳисоби юритилишини, молиявий ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини, молиявий ресурслардан мақсадли ва қонуний фойдаланилганлигини ҳамда даромадларнинг тўлиқлигини, шунингдек, молиявий операцияларнинг қонунийлигини баҳолашни назарда тутувчи **молиявий аудит**;

- консолидациялашган ва жалб қилинган бюджет маблағларидан фойдаланишда, давлат харидларини амалга оширишда, шунингдек, даромадларнинг тўлиқлигини таъминлаш ва бизнес жараёнларида норматив - ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилинганлигини ҳамда уларнинг давлат дастурларига мувофиқлигини текшириш ва баҳолашни назарда тутувчи **мувофиқлик аудити**;

- назорат объектида харажатлар, субсидиялар, имтиёзлар ва преференцияларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини, ажратилган маблағлардан фойдаланишнинг тежамкорлигини, белгиланган мақсадли кўрсаткичларнинг бажарилишини, консолидациялашган бюджет ва жалб қилинган маблағлар ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳаларнинг мақсадга мувофиқлиги ва натижадорлигини, шунингдек, давлат ва ҳудудий дастурларнинг молиялаштириш манбалари билан таъминланганлигини баҳолаш ва таҳлил қилишни назарда тутувчи **самарадорлик аудити**.

Муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан ташқи сиёсатда нуфузли халқаро ташкилотлар ва молиявий институтлар билан кўп томонлама муносабатлар ўрнатилиши ва улар билан ўзаро ҳамкорлик доирасини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.²

Хусусан, Давлатимиз Раҳбари 2021 йилнинг 6 ноябрь куни расмий инаугурация маросимида сўзлаган нутқида халқаро ихтисослашган тузилмалар

¹ Қурбонов Муҳиддин Абдуллаевич. (2023). ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШДА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. World Scientific Research Journal, 16(1), 170–177. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2715>

² Қурбонов Муҳиддин Абдуллаевич. (2023). ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. World Scientific Research Journal, 16(1), 204–212. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2719>

билан ҳамкорлигимизни янги, амалий маъно-мазмун билан бойитамиз, деб таъкидлаган эди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси БМТ Тараққиёт Дастури, Жаҳон банки, Япониянинг халқаро ҳамкорлик агентлиги ва Япония тафтиш палатаси, Россия Федерацияси Ҳисоб палатаси ҳамда Шанхай ҳамкорлик ташкилотлари доирасида халқаро ҳамкорликни олиб бормоқда.³

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси масъуллари Олий аудит органларининг халқаро ташкилоти (ИНТОСАИ – ISSAI) лойиҳалари доирасида Европа ва Осиёда ўтказилган ўқув семинарларида иштирокчи ҳамда маърузачи сифатида иштирок этиб келмоқда.⁴

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ташкил қилингандан буён масъул ходимлар малакасини ошириш мақсадида хорижий тажрибалар асосида семинарлар, тренинглар ва ўқув курсларида иштироки таъминланган, жумладан:

- 2004-2012 йиллар давомида Япония ҳукуматининг дастурлари асосида тажриба алмашиш курслари ташкил қилиниб, унда, соҳадаги илғор тажриба ўрганилган;

- 2015 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Корея халқаро ҳамкорлик ташкилоти (KOICA) ва Корея Республикаси аудит ва нозирлик Кенгаши томонидан ташкил этилган “Давлат аудит бошқаруви” ўқув дастури ташкил қилинган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатларнинг олий молиявий назорат органлари ўзаро ҳамкорлиги йўлга қўйилиб, Россия Федерацияси Ҳисоб палатаси билан тажриба алмашиш борасида икки томонлама самарали ҳамкорлик ўрнатган.

2021 йилнинг 23 ноябрь куни бўлиб ўтган INTOSAI Бошқарув Кенгашининг навбатдаги 75-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ушбу ташкилотга тўлақонли аъзо сифатида қабул қилинди. INTOSAI ташкилотига аъзолик Ўзбекистон учун давлат секторидаги аудитнинг нуфузли халқаро стандартларга мослаштириш имкониятини беради.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси – давлат ташқи аудити ва молиявий назоратининг органи бўлиб, у ўз ваколатларини мустақил равишда амалга оширади ва ўз фаолиятида бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунди, Президентга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ҳисобдордир.

³ Қурбонов Муҳиддин Абдуллаевич. (2023). ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. World Scientific Research Journal, 16(1), 204–212. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2719>

⁴ Қурбонов Муҳиддин Абдуллаевич. (2023). ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШДА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. World Scientific Research Journal, 16(1), 170–177. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2715>

Ҳисоб палатаси Президентга ўз фаолияти, шу жумладан Давлат бюджетига тушумларнинг тўлиқлигини таъминлаш бўйича тизимли равишда ахборот бериб боради.

Ҳисоб палатасига юклатилган асосий вазифаларини бири бу бюджет тизими бюджетларининг ва белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармаларнинг даромадларини кўпайтириш захираларини аниқлаш ҳамда сафарбар қилишни амалга оширишда қуйидаги ваколатлар тақдим этилган:

- давлат органлари ва ташкилотларнинг маълумотлар базасига кириш;
- давлат органлари ва ташкилотларга уларнинг маълумотлар базасидаги номувофиқликларни бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;
- Давлат бюджети даромадлари прогнозининг тўғрилигини баҳолаш, солиқ солинадиган базани кенгайтириш, солиқларнинг тўлиқ йиғилувчанлигини ва солиққа тортиш объектларининг тўлиқ ҳисобга олиншини таъминлаш бўйича ўтказиладиган назорат тадбирларига молия, солиқ ва бошқа органларнинг ходимларини жалб этиш;
- назорат тадбирлари натижалари бўйича қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш, давлат органлари ва ташкилотларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш, самарасиз солиқ ҳамда божхона имтиёзларини бекор қилиш, солиқ маъмуриятчилиги ва солиқ солинадиган базанинг тўлиқ қамраб олинганлигини яхшилашга қаратилган солиқ ставкаларини ўзгартириш юзасидан таклифлар киритиш;
- Молия вазирлиги ва ДСҚга, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ҳудудий давлат солиқ ва молия органлари раҳбарларига нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш тўғрисида тақдимномалар киритиш.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Давлат бюджети даромадлари ва харажатлари барча мамлакатларда катта аҳамиятга эга бўлганлиги сабабли, уни қонуний ижроси устидан тўғри ва самарали назорат ўрнатилиши борасида, ва ҳар бир ташкилот ўзининг фаолиятига тўғри баҳо бериши мақсадида ички аудит ташкил қилиниши борасида деярли барча мамлакатларда кенг қамровлий тадқиқотлар ва илмий изланишлар амалга оширилади. Жумладан, Россиялик иқтисодчи олим Е.Грачева давлат молиясини бошқаришда коррупцияга қарши назоратни кучайтириш зарурлигига урғу берган ва молиявий назоратнинг қуйидаги 4 та турини санаб ўтган:

- ❖ давлат молиявий назорати;
- ❖ идоралараро молиявий назорат;
- ❖ ички хўжалик назорати;
- ❖ аудиторлик назорати.

Россиялик олимлар А.Алборов, Л.Хоружим ва С.Концевалар фикрича “...ички аудит-бу аслида ташкилотнинг ички назорат тизимидир. Бошқача айтганда, ички аудит бу корхонани ва унинг бўлимлари фаолиятини самарали бошқарилишининг назоратидир”.

Бугунги кунда, молиявий назорат тушунчасига жуда катта аҳамият берилмоқда, баъзи бир олимларнинг фикрига кўра, молиявий назорат бу молиянинг назорат функциясини амалга оширадиган шакли, бошқа олимлар эса, ташкилий бошқарув нуқтаи назаридан ёндашиб, махсус ташкил қилинган назорат органлари фаолияти, деб таърифлашади.

Америкалик олимлар Э.А.Аренса ва Дж.К.Лоббеклар “...ички аудит-бу хўжалик субъектининг аудити бўлиб, бошқарув тизимини бизнесни самарали фаолият юритиши учун самарали қарор қабул қилиши учун қимматли маълумотлар билан таъминлайди” дейишади.

Англиялик олим Р.Доджнинг фикрича, “...ички аудит ички назоратнинг таркибий қисми бўлиб, фирма бошқаруви томонидан хўжалик фаолиятини назорат ва таҳлил этиш мақсадида ташкил этилади”.

В.Д. Андреева эса “...ички аудит тушунчаси бир мунча кенг бўлиб, у фақат назоратгина эмас, балки бошқарув функциясини бажарувчи тизимдир” деб таъриф беради.

А.М. Богомоллова ва Н.А. Голощаповалар фикрича “...ички аудит (ички хўжалик ва фирмаларни) – умумий аудитини таркибий қисми бўлиб, иқтисодий субъектда уларни бошқаруви томонидан ташкил этилиб, ички хужжатларга биноан бухгалтерия ҳисобини юритиш, хусусий мулкни кўриқлаш ва ички назорат тизимини ишончли бошқаришидир” деб фиклар билдирган.

Бошқа инглиз олими Р.Адамс ҳам “...ички аудитни фаолияти иқтисодий субъектлар томонидан ички захиралардан самарали фойдаланилишини текшириш, баҳолаш ва сифатли ҳисоботларни тайёрлаш ҳамда бошқа хўжалик фаолиятини назоратини амалга оширадиган муҳим элементдир” деб ҳисоблайди.

С.У.Мехмонов молиявий-иқтисодий назоратнинг таркибий қисми сифатида мамлакатнинг барча даражаларини қонуний, мақсадли ва самарали шакллантириш, тақсимлаш ва фойдаланиш, бюджет даромадлари тушумини кўпайтиришнинг кўшимча манбаларини аниқлаш, бюджет-солиқ интизомини яхшилашни текшириш бўйича давлат органлари томонидан олиб бориладиган назоратлар йиғиндисидир, деган фикрларни таъкидлаган.

Асосий таҳлил ва натижалар

Лима декларациясига кўра назоратнинг бошқарув тамойилларида шундай дейилган: “Назоратни ташкил қилиш бу молиявий маблағларни бошқаришнинг мажбурий элементи бўлиб ҳисобланади, бундай бошқарув жамоат олдида жавобгарликни келтириб чиқаради. Назорат - бирдан бир мақсад эмас, балки тартибга солиш тизимининг ажралмас қисмидир.

Бир гуруҳ миллий иқтисодчи олимлари, жумладан З.Х.Срожиддинова ва С.У.Мехмонов молиявий назоратни 3 та турга ажратишади:

- давлат молиявий назорати;
- идоралараро молиявий назорат;
- аудиторлик назорати;

З.Х.Срожиддинова бюджет назоратининг мазмуни, аҳамияти, элементлари ва принциплари ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, ижтимоий-сиёсий тангликлар ва молиявий-иқтисодий инқирозлар шароитида бюджет назоратининг аҳамияти ўсиб боради ва янгича мазмун касб этади, деган қарашларни келтирган.

Россия Федерацияси Ҳисоб палатасининг ривожланиш стратегиясида белгиланган вазифалар ва А.Л.Кудрин “РБК” таҳририятига берган интервьюсига кўра:

➤ “Биз фақатгина молиявий текширишларни ўтказмаймиз, балким Давлат бошқарувини такомиллаштирамиз, иқтисодиётда, энг аввало бюджет соҳасида тенденцияларни баҳолаймиз. Бундан кейин якуний натижага эришиш учун ресурслардан тўғрироқ ва самаралироқ фойдаланиш юзасидан тавсиялар берамиз.

➤ Бутун дунёда, айниқса ривожланган мамлакатларда стратегик аудит, яъни натижадорлик аудити ривожланмоқда. Ҳозирги кунда стратегик аудит улуши ҳали 12-13 % даражасида. Лекин ушбу фаолиятни апробациядан ўтказганимиздан кейин 2 йилдан сўнг биз стандартни тасдиқладик, ходимларни ўқитдик ва бутун дунёда кенг қўлланилаётган янги ёндошув асосида фаолиятни йўлга қўймоқдамиз.

➤ Рақамлаштириш – бизнинг муҳим қуролимиз ва пандемия даврида бир йил мобайнида деярли уч йилга режалаштирилган мақсадларга эришдик. Вазирлик ва идораларнинг маълумотлар базаларига тўлиқ уланди ва аудитнинг бир қисмини масофавий ўтказишни бошладик.


➤ “Очиқлик” мавзуси. Ҳисоб палатаси ижро ҳоқимиятидан мустақил ва Ҳукумат амалга ошираётган ишлар инсонлар учун бўлишини, улардан ҳеч нимани яширмаслигини, очиқроқ бўлишини ва умуман олганда фуқароларга ҳисобдор бўлишини кузатиб бориши керак. Давлат очиқлиги юзасидан 3 та ҳисоботимиз чоп этилди: вазирликлар рейтинги, фуқаро ва журналистлар сўрови билан ишлаши бўйича. Бу талабларни вазирликларни ярмидан ками бажарган. Ҳисоботимиздан кейин деярли барчаси бажара бошлади, бу жуда жиддий ўзгариш.

Ушбу мақола тайёрланиши жараёнида Президент фармонлари, молия вазирлиги ҳисоботлари ва Ҳисоб палатаси фаолиятини такомиллаштириш бўйича берилган таклифлар ва хулосаларини, хорижий ва мамлакатимиз олимлари фикр, мулоҳазалари ҳамда Россия Федерацияси Ҳисоб палатасининг

ривожланиш стратегиясида белгиланган вазифаларни тизимли таҳлили асосида солиштириш методи орқали Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолиятини халқаро стандартлар асосида янада такомиллаштириш: Россия Федерацияси мисолида таҳлил қилинган.⁵

Жадвал 1

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг тузилмаси.



⁵ Курбонов Муҳиддин Абдуллаевич. (2023). ЖИНОЙИЙ ФАОЛИЯТИДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ УСУЛЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. World Scientific Research Journal, 16(1), 213–221. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2720>

Хулоса ва таклифлар

Бюджет назорати иқтисодиётни ривожлантириш, барқарорликни таъминлаш ва сифатли бошқариш жараёнини тубдан ўзгартиришнинг асосий муваффақиятларидан бири бўлиб хизмат қилади. Шунини таъкидлаш жоизки, бюджет назорати давлат назорати ягона механизмининг таркибий қисми ҳисобланади. Бюджет назоратисиз давлатнинг иқтисодиёти ва молиявий тизими нормал фаолият кўрсатиши мумкин эмас.⁶

Халқаро алоқаларни ривожлантириш Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг устувор мақсадларидан бири ҳисобланади.

Яқин келажакда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси INTOSAIга аъзо бўлган хорижий давлатлар олий аудит органлари билан ҳамкорликни янада кенгроқ ривожлантиришни режалаштирган.

Тараққиётнинг бугунги босқичида Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ўз олдига халқаро тан олинган аудит стандартлари асосида мамлакатимизда янги молиявий, самарадорлик ва мувофиқлик аудитининг миллий стандартларини ишлаб чиқиш ва назорат тадбирларини ушбу стандартларга мувофиқ ўтказиш вазифасини қўйган.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Олий аудит органларининг халқаро ташкилоти (INTOSAI)нинг таркибига тўлақонли аъзо сифатида қабул қилинган даврдан ҳозирги кунга қадар Ҳисоб палатаси хорижий олий аудит органлари иштирокида 20 га яқин халқаро онлайн анжуман, ўқув семинар ва тренингларда иштирок этди. Ушбу тадбирлардан олинган билим ва малакалар Ўзбекистоннинг давлат молиявий назорат тизимини нуфузли халқаро стандартларга мослаштириш имкониятини беради.

"ASOSAI" га аъзолик Ўзбекистонда ташкил қилинган давлат молиявий назорати тизими учун бир қатор тизимли афзалликлар беради, хусусан:

- унинг салоҳиятини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш;
- давлат секторини самарали назорат қилишнинг янги стандартларини ўзлаштириш;
- илғор ғоялар ва хорижий тажриба алмашиш;
- халқаро ҳамжамият доирасида эътироф этилган жамоатчилик овозига эга бўлиш.

Мазкур стандартлар мамлакатимизда молиявий назорат жараёнининг шаффофлигини ошириш ва аудиторлик фаолияти сифатини таъминлашга хизмат

⁶ Қурбонов Муҳиддин Абдуллаевич. (2023). ЖИНОЙИЙ ФАОЛИЯТИДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ УСУЛЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. World Scientific Research Journal, 16(1), 213–221. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2720>

қилади. Натижада бу давлат молиявий назорати органлари ҳамда аудит натижаларига нисбатан кенг жамоатчилик ишончининг ошишига олиб келади.⁷

•Ҳозирги кунда стратегик (натижадорлик) аудит улуши ҳали 12-13 % даражасида. Лекин ушбу фаолиятни апробациядан ўтказганимиздан кейин 2 йилдан сўнг биз стандартни тасдиқланди, ходимлар ўқитилмоқда ва бутун дунёда кенг қўлланилаётган янги ёндошув асосида фаолиятни янада такомиллаштириш.

•Онлайн назорат орқали пандемия даврида бир қатор ижобий мақсадларга эришдик, фаолиятимизда рақамлаштириш – бизнинг муҳим қуролимиз бўлиши лозим.

•Давлат очиқлиги юзасидан 3 та ҳисоботимиз чоп этилган: фаолият очиқлиги, вазирликлар рейтинги, фуқаро ва журналистлар сўрови билан ишлашни жадаллаштириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШДА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. World Scientific Research Journal, 16(1), 170–177. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2715>

2. Абдуллаевич ҚМ. Central European Management Journal. UZBEKISTAN REPUBLIC TO IMPROVE AGRICULTURAL FINANCING. 2022;30(3):1284-93.

3. Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). ЖИНОЙЎ ФАОЛИЯТИДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ УСУЛЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. World Scientific Research Journal, 16(1), 213–221. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2720>

4. Fayziev, F. (2023). THE ROLE OF LOCAL BUDGETS IN TAX POLICY. Modern Science and Research, 2(5), 1315–1319. Retrieved from <https://inlibrary.uz/index.php/science-research/article/view/20713>

5. Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. World Scientific Research Journal, 16(1), 204–212. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2719>

6. Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). Камерал солиқ назорати, риск анализларни смарт технологиялардан фойдаланилган ҳолда амалга оширишни такомиллаштириш . образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 36–41. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2781>

⁷ Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). ЖИНОЙЎ ФАОЛИЯТИДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ УСУЛЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. World Scientific Research Journal, 16(1), 213–221. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2720>

7. M.S.Tulayev, B.P.Qlichev. Moliyaviy hisob. Darslik. –T.: “Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi”, 2022, 510 b.
8. Курбонов, М. (2020). Зарубежный опыт эффективного использования финансовых ресурсов государственных целевых фондов. Экономика И Образование, 1(5), 163–166. извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/article/view/4823
9. Қличев Бахтиёр Пардаевич. (2023). ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА ОПЕРАЦИОН ЦИКЛ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ . World Scientific Research Journal, 16(1), 196–203. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2718>
10. Qlichev Baxtiyor Pardayevich. (2023). Xo‘jalik yurituvchi subyektlarda ishlab chiqarishning maksimal hajmi tahlili. YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT, 5 (2023), 187–192.
11. Чориев, И. (2020). Вопросы использования аналитических процедур на начальном этапе аудита. Экономика И Образование, 1(3), 107–111. извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/article/view/4405
12. Абдуллаева Севара Солижановна. КАЧЕСТВЕННЫЕ ВЕТЕРИНАРНЫЕ УСЛУГИ – ЗАЛОГ УЛУЧШЕНИЯ ПОРОДЫ СКОТА // Life Sciences and Agriculture. 2023. №1 (13). <https://cyberleninka.ru/article/n/kachestvennye-veterinarnye-uslugi-zalog-uluchsheniya-porody-skota>
13. Klichev Bakhtiyor Pardayevich. (2022). ISSUES OF PRODUCT PRICING IN THE ANALYSIS OF OPERATIONAL. Пандемия шароитида иқтисодиёт, молия ва бошқарувда рақамли трансформация жараёнлари (IV ФОРУМ «ЭКОНОМИКА В МЕНЯЮЩЕМСЯ МИРЕ» 2022 май КАЗАНЬ-ТАШКЕНТ), Казань-Ташкент. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6641015>
14. Қличев Бахтиёр Пардаевич. (2023). ОПЕРАЦИОН ФАОЛИЯТ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ . World Scientific Research Journal, 12(2), 263–271. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2557>
15. Fayziev Farrukh Abdullahojaevich. (2022). PROSPECTS OF THE APPLICATION OF THE ISLAMIC FINANCIAL SYSTEM IN THE ACTIVITY OF UZBEKISTAN BANKS. World Economics and Finance Bulletin, 15, 122-127. Retrieved from <https://scholarexpress.net/index.php/wefb/article/view/1516>
16. Pardayevich, K. B. (2023). Analysis of the Maximum Volume of Production in Cement Production Enterprises in Uzbekistan. *International Journal on Economics, Finance and Sustainable Development*, 5(6), 1-8. Retrieved from <https://journals.researchparks.org/index.php/IJEFSD/article/view/4460>
17. Рахимов М.Ю. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили. Ўқув қўлланма.-Т.: Иқтисод-Молия, 2015. 392 б.
18. Abdullayev Abror Bozarboyevich. (2022). IMPROVING INCOME TAX ANALYSIS METHODOLOGY IN BUSINESS ENTITIES. *International Journal of Economic Perspectives*, 16(10), 61–67. Retrieved from <https://ijeponline.com/index.php/journal/article/view/61>

19. Djamalov, K. N., & Abdullaev, A. B. (2021). Creation of a triad of effective measures in the company's tax risk management system. *Asian Journal of Research in Business Economics and Management*, 11(11), 74-79.
20. Doni Tri Putra Yanto, Ravil Akhmadeev, Hassan Salman Hamad, Ahmed Hussien Radie Alawadi, Abror Bozarboyevich Abdullayev, Rosario Mireya Romero-Parra, Hadi Fooladi, Development and investigation of a pollutants emission reduction process from a coal-gasification power plant integrated with fuel cell and solar energy, *International Journal of Low-Carbon Technologies*, Volume 18, 2023, Pages 1120–1133, <https://doi.org/10.1093/ijlct/ctad093>
21. Абдуллаев, А. Б. (2017). СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ НАЛОГОВ И ОБЯЗАТЕЛЬНЫХ ПЛАТЕЖЕЙ СУБЪЕКТОВ МАЛОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА. In НАУЧНЫЕ ДОСТИЖЕНИЯ И ОТКРЫТИЯ СОВРЕМЕННОЙ МОЛОДЁЖИ: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ И ИННОВАЦИИ (pp. 181-183).
22. Рахимов, М., & Астанакулов, О. (2020). Бизнес-анализ: к новой карьере и новым возможностям. *Экономика и инновационные технологии*, (5), 220–229. Извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/11795
23. Abdullaev PhD, A., & Ochilov, O. (2021). Accounting and analysis of investments under active investment policy: necessity, purpose and objectives. *International Finance and Accounting*, 2021(2), 29.
24. Абдуллаева Севара Солижановна. (2023). “MILKSERVICE” – СУТ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ҲАМКОРИ . *World Scientific Research Journal*, 16 (1), 178–186. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2716>
25. Yusupova F., Abdullaeva S. Prospects for the Development of Dairy Farming of Dekhkan Farms in Uzbekistan // *Бюллетень науки и практики*. 2022. Т. 8. №8. С. 88-96. <https://doi.org/10.33619/2414-2948/81/14>
26. Чориев, И. Х. (2017). ГОСУДАРСТВЕННОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ПЛАТЕЖНОЙ ДИСЦИПЛИНЫ ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТОВ. In НАУЧНЫЕ ДОСТИЖЕНИЯ И ОТКРЫТИЯ СОВРЕМЕННОЙ МОЛОДЁЖИ: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ И ИННОВАЦИИ (pp. 175-177).